

Айни кунларда Сўх тумани деҳқонларининг юмуши янада кўпайган. «Сўх» тумандаги энг илғор ширкат хўжалиқларидан саналади. Хўжалик ихтиёридаги 300 гектар майдоннинг 116 гектариде бошқоқ экинлар етиштирилади. Шунингдек, 81 гектарда картошка, 53 гектарда маккажўхори, 16 гектарда сабзаот, 4 гектарда уруғлик учун сабзи парварши қилинмоқда.

Қилинган меҳнат ўз самарасини берипти. Айниқса, бу йил галладан юқори ҳосил олинди.

Бу ердаги барча экин майдонлари 291 нафар пудратчи тасарруфда. Уларнинг ҳар бири ўзини ерининг ҳақиқий эгаси деб ҳис этади.

Хўжалигимиз тоғли ҳудудда жойлашган бўлса ҳам, деҳқонларимиз меҳнати тўғрисида режалар ортиги билан урғунлашмоқда. - дейди ширкат хўжалиги раиси Мунавваржон Азимов. - Сабзавотчиликдан ҳам яхши ҳосил оляпмиз. Шу боис даромадимиз ҳам юқори бўлмоқда.



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 7 сентябр, чоршанба № 149 (1990)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## 2006 йил давлат бюджетни лойиҳаси кўриб чиқилди

2005 йил 5 сентябр кун Оқсаройда 2006 йил Давлат бюджетининг асосий макроекономик қўрсаткичлари ва параметрлари лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди. Йиғилишда ҳукумат аъзолари, республика марказий иқтисодий идоралари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этдилар.

«Бюджет тизими тўғрисида» қонунга мувофиқ 2006 йил мамлакат Давлат бюджетининг асосий параметрларини тайёрлаш ишларининг бориши кўриб чиқилди. Йиғилишда Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмлари ҳисоб-китобини таъ-

минлайдиган ялли ички маҳсулот ўсиш суръати, истеъмол нархлари индекси ҳамда бошқа қўрсаткичлар прогнозлари тўғрисидаги ахбороти тингладим. Бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш жараёнида солиқларнинг айрим турлари ва солиқ тўловчиларнинг тоифалари бўйича ставкаларни тако-

миллаштириш масалалари га алоҳида эътибор қаратилди. Бунда иқтисодиётга умумий солиқ юқини камайтириш ҳолда солиқларни йиғиш даражасини ошириш кўзда тутилди. Президент даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловлар ставкаларини, шунингдек, дивидендлар ва фойзаларга солиқларни камайтириш масалаларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берди. Йиғилишда бюджет жами харажатларнинг ярмидан кўпрогини ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий му-

ҳофаза қилишга йўналтириш тўғрисидаги таклифларни инobatга олган ҳолда, келгуси йил Давлат бюджетни харажатларини молиялаш билан боғлиқ масалалар алоҳида кўриб чиқилди. Мамлакатимиз Президентни томонидан мелиорация ва сув хўжалигининг эксплуатация харажатларига, шаҳар, туман ва кишлоқларни ободонлаштиришга маблағ ажратилиши бўйича ҳам махсус топшириқ берилди. Йиғилишда Марказий банк эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентни-

нинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб варақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафедралари тўғрисида»ги қарорининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини камайтириш, аҳолининг банк тизимига ишончини ошириш ҳамда бўш маблағларни тижорат банклар депозитларига жалб қилиш бўйича амалий чоралар кўриш зарурлигига қаратилди. Вазирлар Маҳкамасига 2006 йил Давлат бюджетни лойиҳасини мазкур йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқиш, белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этиш вазифаси юклатилди. (УЗА)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда барча ватандошларингизга самимий табрик ва тилакларимни йўллайман. Мамлакатингиз аҳолисининг умумий фаровонлигини таъминлаш йўлида доимо мустақкам, аҳил жамият қуриш ва уни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини Яратганингиз ўзи кўлаб-қувватласин. Қодир Парвардигор Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбек халқидан ўз марҳаматини дариг тутмасин.

БЕНЕДИКТ Ун олтинчи, Рим-католик черкови раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини нишонлашни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларини йўллашдан бағоят мамнулимизни билдираман. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман. Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан, Муҳаммад Хусний МУБОРАК, Миср Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан Фаластин халқи, раҳбарияти ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларини йўллашдан мамнунман. Сиз, Жаноби Олийларига ва қардош халқингизга доимий юксалиш ва раванқ тилайман. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига халқларимиз ва давлатларимизни ўзаро боғлаб турган биродарлик алоқаларини қадрлашимизни билдираман. Сиз, Жаноби Олийларига яна бир бор ўзининг биродарона табрикларини изҳор этиб, Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингизга янада тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Махмуд АББОС, Фаластин Озодлик Ташкилоти Иброҳим Қўмитаси Раиси, Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига, Ўзбекистоннинг бахтиёр Мустақиллик кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Сиз орқали эса Ўзбекистон ҳукумати ва биродар халқига Бангладеш халқи ва ҳукумати, шунингдек, шаҳсан ўз номидан чин дилдан қутловлар ва гоғт самимий тилаклар йўллайман. Ишончим комилки, биродар мамлакатларимизни боғлаб турган дўстлик ва қардош-

лик алоқалари халқларимиз манфаатлари йўлида икки томонлама ҳамкорликнинг турли соҳаларида бундан бундан бундан ривожланиб бораверади.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустақкам соғлиқ, омонлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг биродар халқига эса тинчлик, тараққиёт ва раванқ тилайман.

Жаноби Олийларига, Сизга бўлган гоғт юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгaysин. Холда ЗИЁ, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига, Мамлакатингиз Мустақиллиги кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларини йўллашдан гоғтда бахтиёрман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ, Қатар Давлати Амири ўринбосари, валиаҳд

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги кунини билан Сизни ва Ўзбекистон халқини Татаристон аҳли ва шаҳсан ўз номидан чин юрқадан қутлайман. Республикангизга тараққиёт ва раванқ, Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб билдирган истакларимни қабул қилгaysин.

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, Татаристон Республикасига доимий юксак эътиборингиз учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ихозат бергaysин. Халқларимизни тарихий ва маданий муштаракликка асосланган самимий биродарлик муносабатлари боғлаб турибди. Биз бу муносабатларни қадрлаймиз, келгусида ҳам Сизнинг шахсий маданийгизга умид боғлаймиз.

Эҳтиром ва энг эзгу тилаклар ила, Минтинер ШАЙММОВ, Татаристон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги кунини муносабати билан самимий ва чин қалбдан йўллаётган қутловларимни қабул қилгaysин. Ярославль аҳли Ўзбекистонга амалга оширилган ижобий ўзгаришларни катта қизиқиш билан қўзғатиб бормоқда. Биз Республикангиз вилоятлари билан олиб борилаётган ҳамкорликни қадрлаймиз ва бу муносабатлар янада мустақамлаштиришга ишонамиз.

Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик, эзгулик ва раванқ тилайман. Анатолий ЛИСИЦИН, Ярославль вилояти губернатори, Россия Федерацияси Давлат кенгаши аъзоси



## ХАЛҚАРО ТЎҚИМАЧИЛАР КЎРИГИ

«Ўзэкспомарказ»да «Тўқимачилик, энгил саноат учун технологиялар ва усқуналар - TextileExpo 2005» иккинчи халқаро кўргазмаси очилди

У тўқимачилик, энгил саноат учун технологиялар ва усқуналар бўйича Марказий Осиё минтақасида ўтказилаётган энг йирик ихтисослашган кўргазмадир. Уни ITE Group Plc (Буюк Британия) халқаро кўргазма компанияси ва ITE Uzbekistan компанияси ташкил этди.

Кўргазманинг очилиш маросимиде таъкидлангани, ҳозирги вақтда Ўзбекистон тўқимачилик тармоғида туб ўзгаришлар рўй бермоқда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёни жадал бормоқда, янги технологиялар жорий қилинмоқда, қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида тайёр трикотаж ва тивувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бир неча қўшма корхона очилди. Сўнгги ўн йилда энгил саноатга 900 миллион АҚШ долларига яқин хорижий инвестиция жалб қилинди, 40 та қўшма корхона ташкил этилди. Илк қўшма корхоналар ишга туширилгандан бери улар экспорт қилаётган маҳсулотлар ҳажми 10 миллион АҚШ долларидан 300 миллионгача ўсди.

Тармоқда қувватларни ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш жараёни давом этмоқда. Ишлаб чиқариш цикли яқунланган корхоналар ташкил этишга эътибор берилмоқда. Бундан мақсад республикада тайёрланаётган пахта толасининг 50 фоизини ўзи ишлашга эришишдир. Шу боис Ўзбекистон ишбилармон доираларининг янги дастхоналар, усқуналар, технологияларга қизиқиши ортиб бормоқда.

Кўргазмада дунёнинг 18 давлатидан 100 дан ортик компания иштирок этмоқда: улар орасида Австрия, Бельгия, Беларусь, Германия, Италия, Хиндустон, Эрон, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Швеция, Швейцария, Япония ҳамда Ўзбекистоннинг қатор компаниялари бор.

Кўргазмада тўқимачилик, тивув, йиғирув, бўяш, ишлов бериш, тақсимлаш, кесиб, компрессор усқуналари, тўқимачилик технологиялари, киёмвий моддалар ва бўёқлар, тайёр тўқимачилик ва тивувчилик маҳсулотлари, гилам ишлаб чиқаришга бағишланган бўлимлар ишлаб турибди. Франциянинг миллий тенди алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, у 9 компанияни ўз ичига олган. Кўргазма доирасида «Франция тўқимачилик дастхона-

гил саноат институти билан биргаликда ташкил этилган. Семинар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари кўмағида ўтказилди. Семинарнинг мақсади - Франция фирмаларининг тўқимачилик усқуналари, янги технологиялар соҳасидаги янгиликларини, Ўзбекистон тўқимачилик саноатини модернизация қилиш, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифларини ўзлаб тўқимачиликка етказишдир. Кўргазманинг очилиш маросимиде Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири В.Голмиев иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ, УЗА муҳбири

## «Шухрат» медали соҳиби УММАТАЛИ ОТА ШУКРОНАСИ

Уйчи туманидаги Ёрқатой кишлоғининг Гумбаз маҳалласида Умматали ота Юнусбоев деган оқсоқол бор. Отаҳон роса юз ёшга тўлди. У киши хўжалик далаларида узок йиллар фидокорона меҳнатлари, шу табаруқ ёшда ҳам жамоатчиликдан четда қолмасдан жамият тараққиёти йўлидаги фаол иштироки, умуман, Ўзбекистонимиз ривожини йўлидаги катта меҳнатлари эъзизига яқинда «Шухрат» медали билан тақдирландилар.

Кишлоққа кириб борганимизда, ҳовли одамлар билан гап-сўз қилдик. Баланд кўтарилган ишқом остига кўйилган сўриларда кўкнини қордек оппоқ соқол қоплаган оқсоқоллар ёки бошқачасига ифодалаганда бугунги тантана «айбодори»га яқин тенгдош, кишлоқнинг хурматли кишилари ўтиришарди. Қаердадир «юз ёшга кирган одамнинг чеҳрасида нур ўйнайди» деган гапни эшитганим. Кўксини кумушсимон ялтироқ соқол қоплаган қарияга тикиларканман, ўша гапларнинг тасдиғида ишонч ҳосил қиламан. Отаҳон ҳали анча тетик, бардам. Қўтлаш келатганларнинг баъзиларининг исмини айтиб сўрайди, бола-чақаси тинч-омонлигини суриштиради. Фотиҳага кўл очганида, эл-юртининг тинчлиги, омонлигини сўраб, дуо қилади.

«Минг шухурки, бугунги дорилмомон замонларга етиб келдик, - давом этади у. - Ўзбекистонимиз истиқлолга эришди, меҳнатдан толганимиз ўз элимизники, ўз юртимизники. Шаҳарларимиз обод бўляпти, кишлоқларимиз бошқача қиёфага киряпти. Шу ўзгаришларга етказганлиги, юртимизнинг бугунги мустақиллигини ўз кўзимиз билан кўришга мумкин эгганлиги учун юз бора, минг бора шукрона келтираман.

Отаҳон қолхоз даласида узок йиллар меҳнат қилди. Фронт йилларини ҳисобга олганда пахта даласида 60 йилга яқин кетмон кўтарди. Ер қолди, ғўза сурғорди, пахта терди. 50-60 метр баландлиқдаги бунтлар тепасига зил-замбил пахта қопларни елкасида кўтариб қичди.

Отаҳон уруш йилларидаги, ўқлар ёмғирдай ёғиб турган маҳалларда, ярим белигача сувга тўла окоп ичида қанчадан-қанча кунларни, ҳафталарни ва ойларни ўтказганлигини ўзи бир қисса.

«Одам жони темирдан-да, пўлатдан-да қаттиқ бўларкан, - дейди қария ўша сэрмашақат йилларни эслаб. - Қор, балчиқ кечиб, мурдалар орасида ухлаб юриб, минглаб қақиримларни ўқлар ёмғири, бомба ва снарядлар портлашлари орасида ўтказиб, ёвуз душман уюсига етиб бордик. Қанчадан-қанча мамлакатларни, минглаб шаҳар ва кишлоқларни ёвуз бошқинчилардан озод қилдик. Умримиз бор экан, қиндик қонимиз тўкилган она кишлоғимизга қайтиб кириб келдик.

Умматали ота урушда олган орден ва медалларини ҳеч қимга пеша қилмади. Яна олдингидек далада кетмончиликни, сувчиликни давом эттирди. Уғил-қизларини ҳалол меҳнат билан боқиб ўстирди, уйли-жойли қилди. У саккиз нафар фарзандининг ҳаммаси ел қорига ярайди-ган инсонлар сифатида воға етишгандан хурсанд. Бугунги кунда 114 нафар набира, эвара ва чеваралари борлигидан боши осмонда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

Одам жони темирдан-да, пўлатдан-да қаттиқ бўларкан, - дейди қария ўша сэрмашақат йилларни эслаб. - Қор, балчиқ кечиб, мурдалар орасида ухлаб юриб, минглаб қақиримларни ўқлар ёмғири, бомба ва снарядлар портлашлари орасида ўтказиб, ёвуз душман уюсига етиб бордик. Қанчадан-қанча мамлакатларни, минглаб шаҳар ва кишлоқларни ёвуз бошқинчилардан озод қилдик. Умримиз бор экан, қиндик қонимиз тўкилган она кишлоғимизга қайтиб кириб келдик.

Умматали ота урушда олган орден ва медалларини ҳеч қимга пеша қилмади. Яна олдингидек далада кетмончиликни, сувчиликни давом эттирди. Уғил-қизларини ҳалол меҳнат билан боқиб ўстирди, уйли-жойли қилди. У саккиз нафар фарзандининг ҳаммаси ел қорига ярайди-ган инсонлар сифатида воға етишгандан хурсанд. Бугунги кунда 114 нафар набира, эвара ва чеваралари борлигидан боши осмонда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

## АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ОЛИЙ МАЖЛИС КОМИССИЯСИГА ҲИСОБОТ

Жорий йилнинг 5-6 сентябр кунлари Бош прокуратуранинг тергов-тергов гуруҳи Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлисининг мустақил комиссиясига тергов харажатлари натижаларни тўғрисида ахборот тақдим этди.

Маълумки, шу йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта моддий зарар етказилишига олиб қелган қатор террорчилик харажатлари содир этилди.

Бу фожиали воқеалар бўйича тергов ишлари биринчи босқичда 15 нафар ўта фаол иштирокчига нисбатан якунлашди ва жиноий иш материаллари Олий судга кўриб чиқиш учун топширилди.

Дастлабки тергов давомида исботланиши зарур бўлган шариотлар, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шартларга батафсил, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис баҳо берилди. 2100 дан ортик экспертиза тайинланди ва ўтказилди.

Тергов давомида Андижондаги террорчилик харажатлари ташқи бузғунчи куч-

нарий ва батафсил режа пухта ишлаб чиқилган. Жумладан, қуролли гуруҳларни тузиш, уларни жанговар тайёрғарликдан ўтказиш, қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминлаш, ҳужум уюштирилаётган объектларни, хусусан харбий қисмлар ҳамда харбийлашган тузилмалар бўлиналари, уларнинг қурол-аслаҳа омборларини аниқлаш ва разведка қилиш олдидан режалаштирилган.

Терговда исботландики, «сценарийчилар» террорчилик харажатларига тайёрғарлик жойи сифатида Қирғизистоннинг жанубий вилоятларини танлаган, у ерда жорий йилнинг январидан апрелгача хорижий инструкторлар 70 нафарга яқин диний экстремистга кўпуровчилик-террорчилик усулларини ўргатган.

Андижонда ҳокимиятни зудлик билан эгаллаш мақсадида ҳар берида 9 кишидан 22 кишигача бўлган 20 та ҳужум гуруҳи тузилган. Бу гуруҳларнинг бошлиқлари ҳужум уюштирилаётган объектларнинг схемаларини батафсил ўрганган, зарур қурол-аслаҳа, портловчи модда ва ўқ-дориларни олдидан тайёрлаб қўйган.

12 майдан 13 майга ўтар

кечаси Қирғизистон фуқароларидан тайёрланган ва қуролланган 60 нафар жангари Ўзбекистон ҳудудида бостириб кирган ва террорчилик харажатларида фаол иштирок этган.

Террорчилик ҳужури билан бир вақтининг ўзида Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган. Террорчилик харажатлари билан бир қаторда аҳолининг гўёки «тинч намоийиш»ини уюштириш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун террорчилик харажатларининг ташкилотчилари иложи борица кўпроқ одамларни қўнға чиқаришга, бозори жиноий унсурларга, аввало, ўзлар қамқадан чиқариб юборган ўта хавфли жиноятчиларга Андижон шаҳри қўнғаларида хунрезлик, қирғин, талон-тарож қилиш, ўт қўйиш учун шариот ва имкон яратиши, бир сўз билан айтганда, «олов ва тугун қанча кўп чикса, оммавий галаён, қўзғолон кўтарган халқ намоийиш»ини шунча яқроқроқ қўзғатиланди» қабилида аёвсиз тўс-тўполон уюштиришни мўлжаллаган.

(Давоми 2-бетда)



**Ўзбекистон телевидениесига «Мехр кўзда» деб номланган кўрсатув бўлаётган эди. Олиб борувчи Россиянинг Пермь шаҳридан телевидение номига юборилган бир мактубни ўқиганида, аввалига улкан зал сув сепгандек жимиб қолди. Кейин гулдаурас қарсақлар янгради...**

**Хўш, Ўзбекистондан олисда жойлашган ана шу шаҳрдан юборилган мактубда нималар ёзилган эди?**

Ассалому алайкум ўзбекистонлик дўстлар ва телевидение ходимлари. - дейилган эди унда. - Ўзга мамлакат фуқароси сизларни нима сабабдан безовта қилаётганига ҳайрон бўлатгандирсиз балки? Янгиликлар, аслида мен ўзбекистонликман. Кинди қоним ана шу куёулик ўлкада тўқилган. Сизларда менга кўрсатилган меҳр-оқибат ва гамхўрликни асло унутмайман. Гап шундаки, тақдир тақозоси билан онам Галина Дмитриева Чуст шаҳрига бориб қолган экан. Икки ёшимдан ўтар-ўтмас қандайдир касалликка чалиниб, вафот этди. Натижада мени Наманган шаҳридаги болалар уйига топширишибди. Шунда Косонсойдан Раънохон Топшўлатова деган аёл фарзандликка қабул қилиб, мени олиб кетибди. Мен беш ёшдан ўтганимда эса Россиядан қариндош уруғларим чиқиб, бизни суриштира бошлашибди. Онамнинг вафот этганидан хабардор бўлишибди, мени Раънохон Топшўлатова деган қосонсойлик аёл фарзандликка олганлигини би-

лишибди. Сўнг икки қариндошим келиб олиб кетишибди.

## ЎН БИР БОЛАНИНГ ОНАСИ

Мана, орадан анча йиллар ўтди. Ҳозир оилаликман - уч ўғил-қизим бор. Ёшнинг улгайган сайин кўп нарсани ўйлайдиган бўларкансан. Раънохон онамиз манзилгоҳларининг қарердалиги, махалла мен қўчаларининг номи эсимда йўқ. Шунинг учун сизлардан илтимос қилиб, мактуб битдим. Раънохон онамининг соғ-омонлигини ва манзилгоҳларини аниқлаб менга хабар қилсангиз.

Кўрсатувни олиб борувчи мактубни ўқиб тугалларкан, қарсақлар тугашини кутиб сал муддат жим қолди ва кейин ҳазил, дардли овоз билан кўшиб кўйди:

- Биз ҳаммасини аниқлабди ва Пермь шаҳрида яшовчи юртдошимизга жавоб мактуби ҳам йўллабди. Раънохон онамиз бундан икки йил муқаддам вафот этган эканлар...

Ҳозиргина гуриллаб турган залга сукунат чўкди. Кимлардир беихти-

## Бор бўл, оқибат

ёр кўзларидан қўйилган ёшни рўмолчалари билан артишга тушдилар. Бошловчи шу мавзудаги гапининг охирида яна кўшиб кўйди:


- Раънохон опа фақат Россиядаги юртдошимизнигина эмас, балки ўн бир

болани боқиб тарбиялаган, уйлаган, жойлаган. Ўзлари эса фарзанд кўрмаган эканлар...

Тўладан келган, икки ўрим узун сочлари ўзига ярашган, кўпинча жилмайиб турадиган бу аёлни мен дастлаб Косонсой сув омбори қурилиши тугаланишига бағишланган тантананда учратгандим. Опа бир четда омонатини кўйилган пештахта ортида йиғилганларга савдо қиларди.

Тўғри, савдо ходимлари ҳақида ҳар ким ҳар хил ўйлайди. Лекин бу опамиз, ном чиқарган, шу соҳада ишлаб оғру-эйтибор толган, ҳукумат мукофотларини олган савдо ходимларидан эди. У толган-тутганини босиб емади, тақинчоқларга ружу қўймади. Дангиллама иморатлар қурмади. Бир сўм пул топса, етим-есирларни тарбиялашга, улар ҳаётини яхшилашга сарфларди.

Раънохон опа дастлаб



## ЙИГИМ-ТЕРИМГА ҲОЗИРЛИК

Оқолтин тумани пахтакорлари йигим-терим мавсумига қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Туман марказий машина-трактор парк ва муқобил МТПларда сунъий барг тўқтиришда фойдаланиладиган ОВХ агрегатлари, пахта-ни қайта ишлаш корхоналарида эса барча техника воситалари ва тош-тарозилар тайёр ҳолга келтирилди.

Сардоба пахта тазалаш корхонаси тасарруфидоги қабул пункти бу йил тумандаги Бобур, Гафур Фулом номидаги, «Истиклол» деҳқон-фермер бирлашмаларидан 7 минг тоннадан ортиқ пахта қабул қилиб олади. Шунинг учун корхона жамоаси мавсумда қўлланиладиган ПЭЛ агрегатлари, транспортёрлар, юкловчи ва қури-тиш механизмларини, пахта жамланадиган 16 та майдончани мавсумга тахт қилиб кўйди.

Чиройли, бежирим, безакли йўлак ва девор қопламалари замонавий, муҳташам, кўркам биноларнинг чиройлига-чиройи қўшиши шубҳасиз. Фарғона туманидаги «Чимён форум» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасининг жонқуяр жамоаси ана шундай эзгу мақсад йўлида астойдил иш юритмоқда.

Бугунга келиб корхонада 18 турда маҳсулот исталган рангда ишлаб чиқарилаётган. Корхона қуввати орталлиги боис ўтган етти ой мобайнида 60 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Жамоа бу йил 10 минг квадрат метр харидорғир маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ишчилар унумли ишлашлари, ҳордиқ чиқаришлари учун керакли шартнослар яратилган. Айни пайтда корхонада 25 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилмоқда.

**Суратларда: фирма ҳисобчиси Муҳаммад Шарипов; фирманинг умумий кўриниши**



**М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар**

## Спорт оламида

**Теннис**

### ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Нью-Йоркда давом этаётган «Катта шлем» туркумига кирувчи US OPEN мусобақалари чорак финалда иштирок этувчи сўнгги теннисчилар номи маълум бўлди. Аввалроқ, Мария Шаропова ҳамда Надежда Петровалар тўртинчи даврани муваффақият билан яқунлаб, чорак финалга йўл олганди.

Энг тажрибали теннисчи сифатида қатнашаётган россиялик Елена Лиховцева Франциялик учинчи рақамли Амели Моресмога икки сетда ҳам ютказиб қўйди. Яна бир франциялик теннисчи Мари Пьерс ҳамда Елена Дементвалар ҳам чорак финал йўлланишини қўлга киритди.

### Футбол

#### СКОЛАРИ ЖАМОАСИ МОСКВАГА ЕТИБ КЕЛДИ

«Жаҳон чемпионати -2006» баҳслари саралаш ўйинларида иштирок этаётган Португалия терма жамоаси Россия пойтахтига етиб келди. Таркибда 19 футболчи бўлган Сколари жамоаси россияликларга қарши бугун кечадагидан ўйинда майдонга тушади.

Учинчи гуруҳда пешқадамлик қилаётган португалияликлар сафида «Эвертон» жамоаси вакили Нуну Валента ҳам бирга келган. Белидан жароҳат олган Эмануэл Пети бу ўйинда қатнашмайди.

### Югуриш

#### РОССИЯЛИКЛАР ГОЛИБ

Австрияда куну-тун югуриш бўйича Европа чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Баҳсларда 32 мамлакатдан 200 нафар спортчи иштирок этди. Россиялик марфончилар Европа чемпиони ҳамда жаҳон биринчилиги кумуш медалини қўлга киритди.

Анатолий Кругликов эса иккита унвонни қўлга ва жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. У 24 соат давомида 268 километр масофани босиб ўтди.

### Велоспорт

#### МАНСЕБО -НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА ЗАФАР ҚУЧДИ

Испания йўлларида давом этаётган «Вуэльта» велопойғаларида навбатдаги босқичда мезбонлар вакили Франсиско Мансебо голиб чиқди. У марра чизиги бўсағасида Роберто Эрас ҳамда умумий пойга етакчиси Денис Меньшовларни ортда қолдирди.

Оғир тоғ йўлида 206 километрлик масофани 29 ёшли пойғач матонат билан босиб ўтди. Эртага пойғачилар Андорро ва серлер ораллиғидаги 187 километр масофани босиб ўтади.

### Профессионал бокс

#### ЗАБ ЖУДАНИНГ РАҚИБИ МАЪЛУМ

Ярим ўрта вазнда жаҳоннинг гутлоқ чемпиони Заб Жуданинг навбатдаги рақиби аргентиналик Карлос Балдомир бўлади. WBC ўйналишида расмий даъвогарлик жанги ҳисобланиши ушбу баҳсгача 34 ёшли Балдомир 41 та галаба, 9 та мағлубият ва 6 марта дурангга эришган. Бироқ боксчи кейинги олти йил мобайнида бирор марта мағлубиятга учрамаган.

Жанг 30 сентябр кунини бўлиб ўтади. Аргентиналикнинг билдиришича, у шунчалки тез фурсатда чемпионликка даъвогар бўлишини ўйламаган. Аммо жангга пухта ҳозирлик кўришини айтган.

**А. ЮНУСОВ тайёрлади**

## ФЕРМЕРЛАР ЗАФАРИ

Кузнинг ҳар кундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган Амударё тумани пахтакорлари йигим-терим суръатини оширмоқда.

Туманда давлатга юқори сифатли «оқ олтин» топшириб, зафар маррасига етаётган фермерлар сони ортиб бормоқда. «Урозбоев Улугбек» фермер ҳўжалиги аъзолари шартнома режасини беш кунда адо этди. 40 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган ҳўжалик аъзолари қабул пунктига 83 тонна ҳосил топширдилар.

Бу йил далаларимизда ҳосил ҳар қанчодиган мўл бўлди,-дейди фермер У.Урозбоев. - Бунга аввало, чигитини эрта экканимиз, шунингдек, ёзнинг иссиқ келгани сабаб бўлди.

Тўрткўл туманидаги Шўхрат Кенжаёв бошчилик қилаётган «Кенжабобо», Ойсара Байрамтоғовона бошқараётган «Тоза арча» фермер ҳўжаликлари деҳқонлари ҳам йиллик шартнома режасини бажардилар.

**(ЎЗА)**

## ОҚ ЙЎЛ, «ҚИЗЛАРЖОН»



Мустақиллик тиббиёт соҳасида ҳам бекиёс имкониятлар йўлини очиб берди. Ҳозирги кунга келиб оила поликлиникалари учун ҳам керакли мутахассислар тайёрланмоқда. Хамширалар кўпроқ умумий амалиёт соҳасига йўналтирилмоқда.

Наманган шаҳрининг марказидаги Бобур маданият ва истироҳат боғи рўпарасидаги тиббиёт коллежи бу йил одатдагидан кўра гавжумроқ. Коллеж ўқув биносига кириб-чиқарган оқ халатли йигит-қизларнинг бир лаҳза қадами тинмайди. Дарвоқе бугунги кунда билим юртида акушер, хамшира, фармацевт ассистенти, лаборатория ва тиббий профилактика иши каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Республикамининг энг қадимий даргоҳларидан бири Наманган тиббиёт коллежини тамомлаган минглаб мутахассислар эл-юрт соғлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мен Тошкент тиббиёт институтини тамомлагач, Наманган вилоятида биринчи эркак педиатор бўлиб иш бошлаганман. Тиббиёт коллежида 1956 йилдан бери ишлаб келаман, - дейди 73 ёшли ота-он, архив ходими Усмонов Кориев. - Биз ўқиган даврни ҳозирги коллеж ёшлари ҳаёти билан асло тенглаштириб бўлмайди. Очиги, илгари миллий кадрлар тайёрлашга деярли эътибор берилмас, дарсликлар ва бошқа ўқув қўлланмалари рус тилида бўлгани учун айниқса,

## Йўл қоидаси — умр фойдаси

Жиззах вилоятида шу йилнинг ўтган даври мобайнида жами 102 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд қилиниб, уларда 28 нафар фуқаролар ҳалок бўлди, 103 нафар турли даражадаги тан жароҳати олдилар. Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари хуудда қайд қилинган деярли барча жиноятларни фош қилишда иштирок этиб келаяпти.

Хусусан, улар томонидан жорий йилнинг ўтган ойларида жами 202 та ўқ отар қуролларни ноқонуний олиб юриш ва бошқа турдаги жиноятлар фош этилди. 15 та ҳолатда гиёҳванд моддаларини ноқонуний олиб юриш ва саклаш ҳолатлари аниқланди.

ИХББ ходимлари томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида 138 та ҳолатда 96 миллион 917 минг 107 сўмлик ҳар хил турдаги товар моддий бойликлар республикамиздан четга ноқонуний равишда олиб чиқилиши ва кириб келиши тўхта-

тиб қолинди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 12 та жиноий иш қўзғатилди. 126 нафарига маъмурий тартибда чоралар қўрилди. Вилоят ҳудудида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишга қаратилган тадбирлар ўз самарасини бераётир. Массалан, ўтган давр ичида ав-

токорхоналарда 1039 та, маҳалларда 219 та, мактабларда 554 та суҳбатлар ўтказилди. Шунингдек, халқ таълими бўлимида тизимдаги мактабларда 17 соатлик «Йўл ҳаракати қоидалари» дарслари ўқитилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ёш назоратчиларнинг республика кўриги»да Зомин туманидаги А.Темур номи 54-мактабнинг «Машвал» жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллаб, келгуси тадбирни Жиззах вилоятида ўтилишини қабул қилиб олди.

## ЗОМИНЛИК ЁШ НАЗОРАТЧИЛАР республикада биринчи

Ходимларимизнинг хушёрлиги ҳар жиҳатдан қўл келмоқда, - дейди вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи Гафур Зиёев. - Шу йилнинг ўзида 155 минг 644 та турли хилдаги йўл ҳаракати қоидабузарликлари аниқланди. Шундан 37 минг 921 тасини қўпол қоидабузарликлар ташкил этади. Транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш ва бошқалар шулар жумласидандир. Утган давр мобайнида техник кўригидан ўтказилиши лозим бўлган 36 минг 863 та транспорт воситасидан 17 минг 118 таси қўриқдан ўтказилди ва уларнинг 2231 таси техник носоз деб топилди.

**Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

## Иқтидорлилар фахримиз

кишлоқ ёшлари жуда қийналишарди. Ҳозир эса кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўқув қуроллари ва компьютерлар билан жиҳозланган. Ёшларнинг яйраб ўз

лар аниқланиб, моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, «Қизил Ярим Ой» жамияти томонидан ажратилган кийим-кечақлар ўз эгаларига тарқатилди. 11 нафар болалар уйдан келган ўқувчи-ёшлар тўла давлат ҳимоясига олинган. Уларнинг яшashi ва ўқиши учун қулай шартнослар берилган. Хар бирининг кунлик таъминоти учун маблаг ажратилмоқда.

Коллежда оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш хамиша диққат эътиборда. Соғлом турмуш тарзи - «СПИД ва гиёҳвандликка қарши кураш», «Соғлом она ва соғлом бола» мавзусидаги суҳбатлар ёшларнинг ўзини ўраб турган олам ҳақидаги тасаввурини кенгайтирса, «Оқила қиз» сингари кўрик-танловлар ўтказилиши уларда ишчанлик, ташаббускорликни шакллантиришга хизмат қилмоқда. «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан вилоят миқёсида ўтказилган «Қизларжон» кўрик-танловида коллеж талабаси Гулмира Одилова биринчи ўринни эгаллади. Коллежининг «Хамширалик иши», «Фармацевтика иши» талабалари ўртасида ўтказилган «Кувноқ» мусобақаси улар хотирасида бир умр муҳрланиб қолади.

**С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири**

## Қонун барчага баробар

Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари Вазирилар Макамаси қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида аниқ тадбирларни амалга оширишмоқда. Хусусан, ҳамжихатликдаги сазй-ҳаракат туйғайди, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқарттириш, назорат қасса машиналаридан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятни чеклаш борасида анчайин ижобий натижаларга эришилди.

## НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД татимайди

Равшани, республикамизда тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилган. Омилкор кишилар яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришмоқда. Бироқ шундайлар борки, улар қонуни четлаб, ғирром ишларга қўл уришмоқда. Мисолларга эътиборни қаратайлик. Жорий йилнинг шу кунигача 1620 нафардан ортиқ ҳўжалик субъекти фаолияти солиқчилар томонидан назоратдан ўтказилди. Шундан 178 та ҳўжалик субъекти назорат қасса машинасида фойдаланмаётгани маълум бўлди.

Фарғона шаҳридаги «Тожаҳалоши-» фирмасига қарашли савдо дўконинда режалаштирилган савдо дўконини 200 га яқин спиртли ичимлик борлиги маълум бўлди. Боз устига, дўкон сотувчиси 42 минг сўм савдо тушумини қассага кириб қилмаган экан. Айбдорларга нисбатан қонуний тарзда чоралар қўрилди.

Баъзилар ўзларича устамонлик қилишмоқчи бўлишади. Қилмишлари фош бўлган, тава-тазарру қилишга ту-

## Касаба уюшма тадбири

### «ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИ ВА СОҒЛОМ ОИЛА»

Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари касаба уюшма вакилиги ташаббуси билан «Энг яхши спортчи ва соғлом оила» деб номланган спартакиаданинг II вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақаларда тармоқнинг 9 та меҳнат жамоаси иштирок этди. Улар 40 та оила бўлиб, қўлқурмас, тезлик эстафеталари, узунликка сақраш, арқон тортиш каби спорт ўйинларида бир-бирлари билан куч синашдилар.

Ҳаятда қизқичқили ўтган беллашуларда аёллар орасида Термиз филиали ходимаси Хосият Қўлтураева, I ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. «Сурхондарё телеком» ишчиси Сайёра Чоршанбиевага II ўрин, Ойбахор Қорабоевага, III ўрин насиб этди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда эса Термиз филиали ходими Комил Қаюмов I ўрин, мақсус алоқа жамоаси ходими Парда Тўрақулов II ўрин, Сурхондарё почтаси ходими Бобоназар Исмоилов III ўринни эгалладилар. Ҳар бир спортчи ходимлар кимматга эздалик соғвалари билан тақдирландилар.

**Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири**

Футбол

УЧРАШУВ ҚАЙТА ҮТКАЗИЛАДИ!

У ёки бу ўйин натоқаси бекор қилиниб, учрашув қайта ўтказилиши футболда ахён-ахёнда юз берадиган, фақуллода хол сифатида баҳолашувчи воқеа ҳисобланади. Одатда бундай қарор стадионда тартибсизлик юзага келган, футболчилар ўртасида чиққан жанжал туфайли ҳар икки жамоада ўйинни давом эттириш учун минимал ҳисобланган даражадан ҳам камроқ футболчилар қолган тақдирда ва яна баъзи ҳолларда қабул қилинади.

Ташқи жонқизи, адолатнинг тантанаси сифатида тарихда қоладиган бўлди. Ҳақиқат, ёдингазда бўлса, япониялик ҳакам Т. Йошида Бахрайн дарвозасига пенальти беланган, тўп С. Желаров зарбасидан сўнг дарвозага киритилган, мутлақо тушунарсиз вақт билан голни инобатга олмади. Уэйга хос "қашфиёт" соҳибига айланган эди. Ўзбекистон Футбол Федерациясининг ФИФАга раддияномаси инобатга олинчи, ўйин қайта ўтказилди.

З. РИХСИЕВ

Азалий кадрларимиздан бири ўзбек кураши дунёга юз тутганига етти йил тўлиди. Жаҳон бўйлаб курашни тарғиб этиш, турли мусобақалар, чемпионатлар ҳамда турнирлар ўтказиш максавида ташкил этилган кураш халқаро ассоциациясининг ташкил топганига ҳам шунча фурсат бўлди.

Шу йиллар мобайнида ўзбек кураши бўйича тўрт марта жаҳон чемпионати, қитъа биринчиликлари, бир неча хитира турнирлари зўр муваффақият билан ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, кураш дунё халқларининг севимли спорт турига айланди. Бунга КХА таркибидан бўлган 85 та мамлакатда фаолият кўрсатаётган миллий федерациялар мисол бўла олади.

КУРАШИМИЗНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИК ТҮЙИ

Лозаннадаги Олимпия музёеида "Миллий спорт - боқий анъана" мавзусида ўтказилган кўрғазмадан ўзбек кураши тарихи ва бугунги ҳоли ҳақида видео-ролиқлар қўй олдди. Бу ҳол курашимизнинг тарғиботида муҳим қадам саналади. Кеча пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шухрати" музейида ушбу тантанага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман-

Матбуот анжумани

да КХА президенти Комил Юсупов, Бош қотиб Умид Ёқубов, Осиё кураш федерацияси президенти Ж.Тат-

— Курашнинг етти йиллик тўйида катнашаётганимдан беҳад хурсандман - деди у. — Ташрифидан асосий мақсад эса навбатдаги Осиё чемпионатини ҳамда Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Ражив Ганди хотира турнирини ўтказиш масалаларини келишиб олиш эди. Ҳаммаси оидинлашди, ҳар икки мусобақа бир вақтда Деҳли шаҳрида ноябр ойининг иккинчи ярмида ўтказилади.

А.МАМАЖОНОВ

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Юртимиз тўқимачилик соҳаси учун бой ҳомашё этиштириладиган ҳудуд ҳисобланади. Истиклол йилларида мазкур соҳани ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди. Қўлпаб тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этилди. Ташкент тўқимачилик ва енгил санат институти бу борда малакали кадрлар ётаказиб беришга етакчи ўқув даргоҳи сифатида катта нуфузга эга.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Мамлакатимизда муस्ताқиллик байрами ўтиши биланок пойтахт театrlари жамоалари ўзларининг янги мавсумларини бирин-кетин бошлаб юбордилар.

Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси ўзининг 93-мавсумини бошлади. Санъатсевар томошабинлар ушбу мавсумни Ойбек таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан сахналаштирилган Ўзбекистон халқ шоири, драматург Усмон Азимнинг "Адибнинг умри" деб номланган сахна асарини катта хурсандчилик ила кутиб олдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров сахналаштирган ушбу асарда бош рол - Ойбек образида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов, бошқа етакчи образларни эса Ўзбекистон халқ артистлари М.Абдуқундузов, Р.Авазов, етакчи артист Л.Элтоевалар катта маҳорат билан ижро этдилар. Янги мавсум очилишида муस्ताқиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига асосан Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев "Меҳнат шухрати" ордени билан, Марат Азимов "Дўстлик" ордени ҳамда Тохир Саидов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвони ила тақдирланганликлари билан томошабинлар самимию қутлашди.

Р.ОРИПОВ, "Ишонч" мухбири

ХОТИРАДА ЖОНЛАНГАН ТАРИХ

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси саъй-ҳаракати билан қатор тўпламлар чоп этилмоқда. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага бағишланган "Хотира" китобининг қўшма учинчи жилди ҳам юртдошларимиз томонидан яхши кутиб олинди.

Орадан кўп вақт ўтмай яна бир қизиқарли китоб босмадан чиқди. "Йиллар ва тақдирлар" деб номланган бу нашр 1941-1945 йилларда жанг майдонларида жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган, бугунги муस्ताқиллик кунларида кетсалик завқини сураётган замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

А.АЛИЕВ

Савоб ишни ҳар ким, ҳар қуни қилиши керак

Эргаш Меликовни паландарликлар ҳурмат билан тилга олишди. У оила аъзолари билан ҳўжаликдан 1,5 гектар ерни ижарага олиб, 1 гектарига олма ниҳоллари экиб парваришлади. Бундан 6 йил илгари экилган дараклар шохларидидаги шиял меваларни кўрган ёгонбон қувончининг бугун чеки йўқ.

ИЖАРАЧИЛАР болалар санаторийси ҳомийси

боллар эса этиштирилган мевачевалардан улашиб, савоёга шўҳжаликдаги 360 нафар ижарачилар ўтган йили режадан ташқари этиштирган маҳсулотлари ҳисобига 80 миллион сўм даромад олиб, иқтисодиётни муостаҳкамладилар.



маларига туташ бу ерларда илгари чорва моллари боқиларди. Юртимизда иқтисодий ислохотлар сари дадил қадам қўйилгани боис, тоғ ён бағирлари ўзлаштирилиб, боғу рогларга айлангилди.

Халқимизда савобли ишни ҳар ким, ҳар қуни қилиши керак, деган ҳикмати бор. Бу бежиз айтилмаган. Сил касалиги билан оғриган болалар даволанаётган шифохона меҳроқибат билан қўршаб олингани шифокорларни ҳам хурсанд қилмоқда.

Ш. СУЛТОНОВ, "Ишонч" мухбири  
Суратларда: 1. Эргаш Меликов бошлиқ ижарачи-ишчилар Гулнора Очилова ҳамда Шаҳодат Содиковлар ҳосил қўлдан мамну. 2. Ижарачи Эргаш Меликов.

Овчи ён дафтарида

Эгам амакиннинг ови қариб қайтар чоғи қашқа саманини Етимтоғ томон бурди. У тоғ чўкисига етаверинида катта харсанг тош ёнидаги пана-пастмак бутазор орасида туғилганига ҳали икки ҳафта ҳам бўлмаган бир нечта бўри болаларининг иргинлаб сакраб ўйнаб юрганини кўриб қолди ва оёғи остидан чиққан улжаларининг бирини қўлбола айри тейк ёрдамида бўйнидан босиб тутиб олган, хуржунига жойлади. Тақдирдан она бўри иларига кўзи тушиб кўнглида ҳавотир ва гўлгула пайдо бўлди. У оғбин эгар узангисига қўйиши биланок от тизгинини бўшатди.

тамоман қўча тўлиб бақувватлашди. Унинг теварак-атрофга зийраклик билан боқиши кўрганларни хайратга соларди. Унга уй эгаларининг меҳрлари кўндан-кўн осиб, парваришига эътибор қаратсалар ҳам баъзида Бўрибосар ваҳоҳатидан хайкичи ҳам туришарди.

Йўл-йўлақай кўнглида пайдо бўлган ҳадик ва ҳавотир ўрнини ширин ҳавёллар чулғаб олиб, ҳовлисига қандай етиб келганлигини ҳам сезмади. У қашқа саманини боситрма устунига қантариб қўйган, хуржундаги жониворни сими тўр ичига қўйиб юборди. Ҳўноқлаб юрган олапар болалари янги "меҳмонни" сўймайгина қарши олишди.

Сербёин баҳор фасли охираб қўтилмаганда Бўрибосар

Орадан икки ҳафтача вақт ўтиб Бўрибосар ҳовлига тамоман мослашиб, олапар болалари ва уйдаги кичкинтойларга ҳам ўрганиб қолди. Олапар болалари бегоналарга журишганлариди Бўрибосар ақиллаб қўярди. Бундай пайтда овчининг ўғил-қизлари хурсанд

бўлганликларидан терисига сигмай кетишарди. Ундан ҳеч нарсаи кўзганишмасди. Қўйиновлар Бўрибосарни ташқи ҳавф-хатардан асраш, доимо кўз-қўлоқ бўлиб боришчи Эгам амакига маслаҳат берилди, акс холда оқибати яхшилик билан туғамаслиги, отарга ҳам зарари тегшини уқтиришди.

А.АЛИЕВ

Абдулла САИДОВ

"ШАРҚ" ПОЕЗДИ

"Ўзбектуризм" Миллий компанияси хўзурда фаолият кўрсатаётган ўқув марказида таълимий ишлар кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ерда йўлболовчилар ва тарғибчиларни ўқитиш борасида ҳам бой тажриба орттирилди.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида марказда 400 га яқин тингловчи ўз билим ва амалий кўникмасини оширди. Йўлболовчиларга хизмат қиладиган касб эгалари-стюардлар тайёрлашга ҳам киришилди. Улардан 20 нафари касбий маҳорат сирларини пухта ўзлаштирдилар.

Улар "Шарқ" тез юрар поездида ўз фаолиятларини бошладилар. Ташкент-Бухоро йўналишида қатнаш бошлаган бу поездларда саяҳатга отланганлари учун алоҳида кўпейлар ҳам ажратилди.

Н.ТОҒАЕВА

КАТТА ИМКОНИЯТ

Навбахор туманида ҳам, бутун мамлакатимизда бўлганидек, болалар спортини ривожлантириш, замонавий спорт мажмуурлари барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнги йилларда тумандаги учта касб-хўнар коллежи ва йигирмадан ортик мактабда спорт зали ва майдончалари барпо этилди. Туманининг Гўж-боттепа кишлоғида фойдаланишга топширилган спорт мажмуури ҳам улар қаторига қўшилди.

Қишлоқ туманидаги "Наврўз" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этган мазкур мажмуури Халқ таълимни вазирилик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали зарур спорт анжомлари билан таъминланди.

Гўжботтепалик ёшлар кураш, стол тенниси, футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши имконига эга бўлди.

А.ХАКБЕРДИЕВ, "Ишонч" мухбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда

Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармонида ўқув муассасаларининг ижтимоий ва моддий ҳолатини яхшилаш, замонавий мактабларни қуриш ҳамда босқичма-босқич компьютерлар билан таъминлаш масаласи аниқ қилиб белгилаб берилган.

Миллий дастур вази-ликлар ташаббуси, айниқса, ибратли. Шу кунгача туман халқ таълим тўғрисида таълимий бўлими тасарруфидидаги мавжуд илмгоҳларнинг 4 таси бўлиб ва яна 4 таси жорий йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замон талаблари даражасига мослаштирилди. Лингафон ва компьютер синфларида дарс соатлари бошлаб юборилди.

Бекобод туманида ҳам давлат дастури йўналишида олиб борилаётган ишлар туман шариоатида мослаштиришга амалга оширилаётгани педагогларни ва жамоатчиликни хўшнуд этмоқда. Мавжуд 57 та ўрта ҳамда 29 та мактабгача таълим муассасаларининг 95 фоизидида томларни шиферлаш, жорий таъмирдан чиқариш ва янги синфхоналар қурилиши ниҳоятга етказилди.

Давлат таълим стандартларига жавоб берадиган миллий ҳамда методик жиҳатдан пухта замонавий ўқув адабиётлари келтирилиб, мактабларга тарқатилди. 11 та илмгоҳда ўқувчиларни энг сўнги технологияни компьютерларда дарс сабоқларини олишга ўқув йили жараёнида 20 ва 24-ўрта мактаблардаги ёшлар ҳам худди бундай имкониятлардан баҳраманд бўлишлари режалаштирилган.

Болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги фармонга асосан қишлоқ жойларида муазам иншоотларни барпо этиш соҳасида бекобод-

қарари ва кўникмалари самарадорлигини ошириш масаласи муस्ताқиллик йилларида давлат сёёсати даражасига олиб чиқилди. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларимиз биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлиши лозим.

Ёш авлод таълим-тарбиясини кенг йўлга қўйиш, улар шурига замонавий билимларни сингдиришда зарур мутахассисларни ўқув муассасаларига жалб этиш борасида

Миллий дастур вази-ликлар ташаббуси, айниқса, ибратли. Шу кунгача туман халқ таълим тўғрисида таълимий бўлими тасарруфидидаги мавжуд илмгоҳларнинг 4 таси бўлиб ва яна 4 таси жорий йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замон талаблари даражасига мослаштирилди. Лингафон ва компьютер синфларида дарс соатлари бошлаб юборилди.

Бекобод туманида ҳам давлат дастури йўналишида олиб борилаётган ишлар туман шариоатида мослаштиришга амалга оширилаётгани педагогларни ва жамоатчиликни хўшнуд этмоқда. Мавжуд 57 та ўрта ҳамда 29 та мактабгача таълим муассасаларининг 95 фоизидида томларни шиферлаш, жорий таъмирдан чиқариш ва янги синфхоналар қурилиши ниҳоятга етказилди.

Давлат таълим стандартларига жавоб берадиган миллий ҳамда методик жиҳатдан пухта замонавий ўқув адабиётлари келтирилиб, мактабларга тарқатилди. 11 та илмгоҳда ўқувчиларни энг сўнги технологияни компьютерларда дарс сабоқларини олишга ўқув йили жараёнида 20 ва 24-ўрта мактаблардаги ёшлар ҳам худди бундай имкониятлардан баҳраманд бўлишлари режалаштирилган.

Болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги фармонга асосан қишлоқ жойларида муазам иншоотларни барпо этиш соҳасида бекобод-

қарари ва кўникмалари самарадорлигини ошириш масаласи муस्ताқиллик йилларида давлат сёёсати даражасига олиб чиқилди. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларимиз биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлиши лозим.

Ёш авлод таълим-тарбиясини кенг йўлга қўйиш, улар шурига замонавий билимларни сингдиришда зарур мутахассисларни ўқув муассасаларига жалб этиш борасида

А.ХАКБЕРДИЕВ, "Ишонч" мухбири

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Максимиум: 700165, Ташкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.